Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 17 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 37 (6933)

Da'vat

Бириккан куч
— куч
Бирикмаган куч
— пуч.

Ўзбек халқ мақоли.

Ibrat

Пискент туманидаги 8-мактабга тадбиркорлар — Й. Шоматов ва Т. Эргашевлар ўз ҳисобларидан 10 минг сўмдан пул ажратишди. Ҳозиргача мактаб фондига тушган умумий маблағ 72 минг сўмдир. Бу пуллар мактабни таъмирлаш учун сарфланади.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Sharh

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг 13-14 май кунлари Ашгабат шаҳридаги учрашуви шу куннинг муҳим сиёсий воқеаси сифатида қайд этилмоқда. Чунки давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ўрнатмай туриб, бирор мамлакат ўз мавқеини тиклай олмайди.

Республикамиз Президенти И. А Каримов ҳам ушбу учрашувга ташриф буюриб, иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакат раҳбарлари қаторида сўзга чиқди. Бу ташкилотга аъзо давлатлар орасида Марказий Осиё таркибидаги мамлакатларнинг борлиги ҳам, албатта, қувонарлидир. Жумладан, тараққиёт йўлига қадам қўяётган Узбекистоннинг ўз ҳудудига яқин ва чегарадош юртлар билан иқтисодий соҳада алоқа ўрнатиши ғоятда қувонарли ҳол эканлигини И. Каримов ушбу учрашувда алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, юртбошимиз Марказий Осиё давлатларидан ташқари Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Озарбайжон ҳамда Ислом тараққиёт банки, БМТнинг савдо ва тараққиёт конференцияси (ЮНКТАД) каби халқаро ташкилотларни ўз атрофига уюштирган ЭКО фаолиятига расмий доирада етарлича баҳо берди. У ўз сўзида ЭКОнинг сиёсий ташкилот эмаслигини, унга сиёсий руҳ беришга уринаётганлар хато қилишлари мумкинлигини таъкидлади. Минтақада барқарорлик тўлиқ таъминланмас экан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар фаолиятида олға силжиш бўлмаслигини ҳам Президентимиз алоҳида қайд этиб ўтди.

Учрашув бошланган куннинг эртасига музокаралар давом эттирилди. Унда белгилаб қўйилган ҳудудларда транспорт коммуникациясини жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирлаш, Европа, Шарқий ва Жанубий Осиё, Узоқ Шарққа нефть ва газ етказиб берувчи қувурлар барпо этиш, шунингдек, ЭКОга аъзо мамлакатлар ўртасида экология, савдосотиқ, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Анжуманда ушбу муаммоларнинг бажарилишини таъминлайдиган йирик қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилди ва бу ҳужжатлар умумлаштирилиб, декларация сифатида қабул қилинди. Ҳозирда минтақа мамлакатларидаги нефть ва газ заҳираларини жаҳон бозорига олиб чиқиш зарурати пайдо бўлгани ҳам ушбу анжуманда қайд қилинди ва Қозоғистон — Узбекистон — Туркманистон, Афғонистон — Покистон, Марказий Осиё — Форс қўрфази йўналишларида нефть қувурларини ётқизиш ҳамда Туркманистон — Эрон — Туркия — Европа, Узбекистон — Туркманистон — Афғонистон — Покистон йўналишларида эса газ қувурларини барпо этиш бўйича минтақаларо консорциумлар ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ашгабатдаги бу учрашувда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжонни Туркиядаги портлар билан боғловчи — Тежан — Сарахс — Машҳад темир йўлини очиш тўғрисидаги музокаралар бўлди.

ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг бу учрашуви ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, жаҳон бозоридан муносиб урин эгаллаши, қолаверса, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга бу учрашув пухта замин яратади. Қиймати 40-50 миллиард АҚШ доллари миқдорида белгиланаётган лойиҳаларнинг амалга ошиш жараёни энди тезлашади, деб баралла айтиш мумкин. Шундай вақт келадики, ЭКО мамлакатлари учун Японияндан Ғарбий Европагача бўлган ҳудуд яъни йирик бозорлар бир қадам бўлиб қолади. Кези келиб, ЭКО мамлакатлари муҳташам транспорт коммуникациясига эга бўлиб, дунёдаги йирик интеграциялашган ҳудуд сифатида тан олинади.

Президентимиз Ашгабат сафари чоғида бир неча давлатлар раҳбарлари билан ҳам самимий мулоқот ўтказди. Хусусан, Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев, Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан бўлган мулоқотлар дўстона ҳамкорликнинг ғалдаги қуринишларидан бўлди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — яқин ва узоқ келажак ҳақида қайғуриб, бунга пишиқпухта тагзамин яратмоқда. Зеро, бунга аъзо юртимизнинг мавқеи ҳам ошиб боради. У ўз иқтисодий қудратини қўшни ва яқин давлатлар билан ҳамкорликда мустаҳкамлашига, оширишига шубҳа йўқ.

«Маърифат» шарҳловчиси.

Тошкент вилоятидаги «Халқабод» лицей-интернати ҳам иқтидорли ёшларга чуқур билим бериш орқали жаҳон андозаларига мос келадиган миллий кадрларни етиштириб чиқаришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишни асосий вазифа қилиб қўйишган.

Ҳўш, ушбу мақсадни амалга ошириш учун қандай ишлар қилинаяпти?

Буни дилдан англаб етган Бухажал Эргашева раҳбарлигидаги лицей ўқитувчилари дарс ўтишнинг энг самарали усулларини излаб топишяпти. Энг аввало, ўқувчиларга фундаментал фанлар, инглиз тили ҳозирги замон фан ва техникасининг илғор ютуқларидан ижобий фойдаланган ҳолда ўргатилмоқда.

СУРАТДА: лицей-интернат директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Б. Эргашева шогирдларига инглиз тилидан сабоқ бермоқда.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

JUMLADA JAHON

Тошкентда бўлиб ўтадиган XII халқаро кинофестиваль совринлари — юксак ғояли энг яхши фильм учун «Олтин семурғ» мукофоти ҳамда 10 минг доллар, энг яхши аёл роли учун «Олтин лола», энг яхши эркак роли учун «Олтин арча» ва 5 минг доллардан мукофот, миллий анъаналар юксак бадиий даражада акс эттирилганлиги учун эса «Кумуш семурғ» мукофоти ва 2 минг доллар тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад Ас-Сабоҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасини Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони чиқди.

Россия Президенти Борис Ельцин ҳамда Чеченистон раҳбари Аслан Масхадовнинг Москвадаги учрашувида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликлар халқаро қонун ва ҳуқуқлар асосида ривожланиши таъкидланган бўлса-да, Чеченистон мустақиллиги масаласи XXI асрнинг илк йилига қолдирилди.

Японияннинг Окинава оролида жойлашган Америка ҳарбий базаларини кўчириб кетишини талаб этаётган намойишчи японлар бу базаларнинг оролда маънавий ва иқтисодий ноқулайликлар келтириб чиқараётганлигидан норози бўлишмоқда.

Саудия Арабистони ҳукумати мустақил Фаластин давлатини тузиш ва унинг пойтахти сифатида Қуддусни тан олиш ғоясини илгари сурмоқда.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

ЎМБАЛОҚ ОШГАН ЕР

Шимолий қутбдаги 3 км; Антарктидадаги 4,5 км. қалинликдаги музнинг ўсиб бориши натижасида Ер шарида икки оғир «қалпоқ» пайдо бўлади. Ернинг 23 даража оғганлиги ҳамда марказдан қочма куч таъсирида Ернинг қутблари бир зумда экваторга, экватор эса қутблар томон айланиб кетиши мумкин. Ана шундай гипотезани Самара техника олийгоҳининг олими К. Аширов олға сурди. Унинг фикрича, буни тарихда Ер магнит чизиғининг ҳозирги ҳолатидан 20 марта экватор чизиғига ва аксинча ўтиб турганлиги, Шимолий қутбдаги Шпицберг шаҳри шахтасидан топилган пальма, тимсоҳларнинг тош қолдиқлари ҳам тасдиқлайди.

ДИПЛОМ ҲИМОЯСИ

Лиссабон шаҳрида Европа иттифоқи ҳамда ЮНЕСКО иштирокида бўлиб ўтган «Европа минтақасида олий таълим соҳасида малакаларни тан олиш» номли конференция якунланди. Европа минтақасига 49 давлат қатори АҚШ, Канада, Австралия киради, улардан 27 давлат парламенти конференция қабул қилган ҳужжатларни тасдиқлади. Эндиликда, диплом соҳиби минтақадаги исталган ҳудудда ишга жойлашиши, ўз малакасини исботлаб ўтирмаслиги ҳам мумкин, булар ҳужжатларга кўра тартибга солинади.

...ИМЗО БИЛАН

Фахрий «меҳмонлар» учун мўлжалланган энг катта китоб Берлин шаҳар марказида намойиш этилмоқда. Баландлиги 4,5 метрли, 1300 варақли китобга хоҳловчилар 5 марка эвазига ўзларидан эсдалик қолдиришлари мумкин. Ташкилотчилар сентябрь ойи охиригача бир ярим миллион имзо тўплаб, Гиннеснинг рекордлар китобига кирмоқчилар. Рекордлар китоби 1954 йилдан буён 262 марта 32 тилда нашр этиб келинаётганлиги сабабли, имзолар муддатидан аввал тўпланса ажаб эмас.

ЛИБОС ҲАМ ТАРБИЯ...

Беғубор болалик. Мактаб ҳовлисига кирганда ўқувчиларнинг шўхлигини кўриб завқланасан киши. Агарда улар бир хил либосда гўзал кийинган бўлсалар, қалбингиз янада шодликка тўлади. Айни пайтда бола тафаккури шаклланаётган мактаб ҳаётида, ўқувчи кийимининг ҳам муҳим ўрни бор.

Шу сабабли 13 май куни ўқувчиларнинг мактаб кийимини Тошкент шаҳар мактабларида жорий этиш тўғрисидаги семинар 17-мактаб биносида бўлиб ўтди. Семинарни халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, шундай деди: «Мактабларда ўқувчи кийимининг таълим-тарбия жараёнига бевосита алоқадорлигини ҳисобга олсак. Мамлакатимиз бўйича бир хил ўқувчи кийими бўлмаслиги мумкин, лекин ҳар бир вилоятнинг, ҳар бир туманнинг ёки бўлмаса ҳар бир мактабнинг ўз ўқувчи либослари бўлишига эришмоқ лозим». Ўртага ташланган ушбу фикрдан жойларда ўринли фойдаланилади, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, семинарда шаҳар туманларидаги ҳозирги кунда махсус мактаб кийимига эга бўлган 40 га яқин мактаб ўқувчилари «Мактаб кийим»ларини намойиш этдилар. Шундан сўнг Тошкент шаҳар мактабларида ўқувчиларни мактаб кийими билан таъминлаш бўйича Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ.Йўлдошев сўзга чиқди ва йиғилишда тажрибаларини намойиш этган тадбиркор мактаб директорларининг ўз изланиш ва таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Семинарга таклиф этилган «Енгил саноат», «Маҳаллий саноат», «Ўзбексавдо» ва Тошкент шаҳар йирик корхона раҳбарлари ҳам ўз имконияти даражасида ўқувчилар кийимини таъмин этишга ҳамкорлик қилишдаги режа ва истакларини билдирдилар.

Кузатишлардан маълум бўлаяптики, махсус мактаб кийимидаги ўқувчиларнинг ўқиш ҳамда тарбия жараёнида ижобий ҳолатлар кўзга ташланаяпти.

Холмуҳаммад КАРИМОВ.

КЎЗГУДА — ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
2 бет.

МУЛК НИМА ВА У ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?
3-бет.

КОСМОСГА БИРИНЧИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР
4-бет.

Ta'limda tadbirkorlik

ЗАҲМАТ ИНТИҲОСИ ЛАЗЗАТ

Замона зайли билан барча қатори маорифчилар ҳам қўшимча маблағ топиш ташвишига тушишди. Айниқса, ер олиб, унинг ҳосилидан баҳраманд бўлаётган, турли халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, белига қувват олаётган таълим-тарбия муассасалари анчагина кўпайди. Бу яхши, бироқ янада қулай, фойдали бир манба борки, ундан фойдаланаётганлар ҳозирча бироз камроқ. Яқинда газетамизда(27,29,31-сонларида) «Бу сизнинг имкониятингиз» сарлавҳаси остида берилган Халқ таълими вазирлигининг тавсияларига яна бир бор кўз югуртирсангиз гап нима ҳақда кетаётганлигини батафсилроқ билиб оласиз.

Энди эса шу ишга бел боғламоқчи бўлганлар тасаввур ҳосил қилсин, деган мақсадда кичик бир тажрибани айтиб ўтмоқчимиз. Унинг манзили: **Пастдарғом тумани, Жума шаҳри, Тил ўргатиш маркази.**

Дастлаб иш ўқув-техника воситаларига хизмат кўрсатадиган ихчамгина устахонани ташкил этиш билан бошланган. Унга ҳам эҳтиёж шу даражада эканки, нафақат мактаблардан, балки тумандаги бошқа ташкилотлардан, қўшнилардан ҳам мижозлар пайдо бўлди. Марказни очишга етарли маблағ ғамлангач, аввало ўқитувчилар танланди. Тил ўрганишга иштиёқманд ўқувчилар йиғилиб, 20 гуруҳда 120 ўқувчи дарсдан бош пайтларида тил ўрганишни бошлаб юборишди. Улар яна уч босқичга, яъни бошловчилар, ўрта даражада ҳамда яхши билувчиларга бўлинишди. Бу ерда инглиз тили ўргатилади. Ойлик тўлов ҳам бугунги кун меъёрига нисбатан унча қиммат эмас — 150—250 сўм.

Марказ ўқитувчиларининг барчаси — олий тоифали. Икки нафари 30 километр йўл босиб, Самарқанд чет тиллари институтидан келиб сабоқ беришади. Ўқувчилар Верешагина, Бонк ҳамда ВВС радиостанцияси қўлланмалари асосида тил ўрганишади.

Қилинган шунча ишлар натижаси сифатида сизга бир мисол келтирамиз:

— Албатта бу марказнинг ташкил этилганлиги аввало ўқувчиларни доимий илм олишга бўлган эҳтиёжини қондиради, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Убайдулла Очилов. —**Бунинг устига у ерда сифатли таълим кафолатланган. Масалан, 28 мактаб ўқувчиси А.Жўраева мактабда немис тилини ўрганади. Марказда инглизчани. Шу қизимиз вилоят олимпиадасида инглиз тили фани бўйича қатнашиб, фахрли ўринни олди.**

Мана сизга натижа. Бунинг ортида ўз меҳнати муносиб рағбатлантирилаётган ўқитувчининг сидқидилдан берган сабоқлари турибди.

—**Ўқитувчиларимиз 3000 дан 5000 сўм гача ойлик маошлари олишади,**—деди марказ директори Аслиддин Мавлонов.—**Уларнинг бор имкониятларини ишга солишлари учун барча қулайликлар мавжуд.**

Аудио, видеомагнитофонлар, телевизорлар мавжуд. Яқинда IBM синфи комплектини олдик. Буларнинг барчаси ўз маблағимиз эвазига бўлмоқда. Ҳозирда олий ўқув юртларига кирувчиларни тест синовларига тайёрлаш бўйича репетиторлик курслари ҳам очганмиз. Режамизда банк синфлари очиб, операторлар ҳамда ҳисобчиларни тайёрлаш ҳам бор.

Мана сизга тажриба. Албатта, ҳикоямиздан иш анча силлиқ кўчанга ўхшаса-да, унинг заҳматини шунга бир уриниб кўрсангиз биласиз. Лекин ҳар қандай заҳмат интиҳосида лаззат яширин бўлади. Инсонлар худди шу лаззатни ҳис этиш учун ҳам меҳнат қилишади, тер тўкишади.

А.РАҲИМОВ.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ОЛИМНИ ХОТИРЛАБ

Самарқанд вилоятида академик Воҳид Абдуллаевнинг 85 йиллик юбилейи кенг нишонланаяпти. Юбилей тантаналари Самарқанд Давлат университети, Чет тиллар институти, 2-педагогика билим юрти, 10-ўрта мактабларда бўлиб ўтди. Айниқса, куни кеча Ҳ. Олимжон номидаги театрда бўлиб ўтган адабий кеча алоҳида аҳамият касб этди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон ФА мухбири аъзоси Вали Ҳўжаев, Республика Нуроний жамғармаси раиси Бектош Раҳимов, филология фанлари доктори, Ғайбулло Саломовлар олимнинг бой ижодий мероси, республикамиз фанига қўшган муносиб ҳиссаси тўғрисида гапирдилар.

Шоира Ҳосият Бобомуродовининг олим хотирасига бағишлаб ёзган шеъри йиғилганларда у кишининг нуроний чеҳрасини жонлантиргандек бўлди.

Адабий кечада Самарқанд вилоят ҳокими Алишер Мардиев ва шаҳар ҳокими Азиз Носировлар иштирок этишди.

Э. МАҲМУДОВ.

КЕНГАШДА КЕНГ МУҲОКАМА

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент иқтисодиёт университети ва Х.З.Калонов номидаги олий ҳунар билим юрти базаларида олий ўқув юртлари қабул комиссиялари ишларини автоматлаштириш бўйича семинар-кенгаш ўтказди.

Семинарга республикамизнинг 51 та олий ўқув юртидан масъул шахслар иштирок этишиб, автоматлаштиришнинг назарий ва тажрибада қўлланиш йўл-йўриқларини ўргандилар.

Ушбу компьютер дастури бўйича қабул ҳайъати томонидан абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатларни ҳисобга олиш жараёни, гуруҳлар рўйхати, Республика олимпиадаси ғолиблари ва ижодий имтиҳонларда олинган баллар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш автоматлаштирилади. Хуллас, дастурнинг қўлланилиши натижасида барча маълумотлар қисқа вақт ичида хатосиз ва кам меҳнат сарф этиб бажарилади.

М.ТЎХТАЕВ.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Ўтган ҳафта Республика Давлат Матбуот қўмитасининг кичик залида Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг ветеран-журналистлар билан учрашув ва уларни моддий рағбатлантириш ҳамда «Наврўз — боқий байрам» таниови ғолибларига совринлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Жумладан, газетамиз жамоаси ҳам байрам тадбирларини алоҳида ёритиб борганлиги учун махсус диплом билан тақдирланди.

Фонд раиси— «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад ва раисдош «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев сўзга чиқиб, ветеран-журналистларни табриклашди ҳамда узоқ йиллар уларнинг маслаҳат ва ижодлари ёш журналистлар учун мактаб бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади.

Кекса журналистлар номидан «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири Зиёд Есенбоев сўз олиб, Президентимизнинг журналистларга, хусусан, фахрийларимизга қаратаётган эътиборлари ва улар билан алоҳида ўтказган учрашувини юксак баҳолади. У фондининг ташкил қилинишини маъқуллаб, фонд раиси ва жамоасига фахрийлар номидан катта миннатдорчилик билдирди.

Улуғбек ОДИЛОВ.

КЎЗГУДА — ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Davlat test markazi tahlili

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига 1996 йил қабул танловида қатнашган Фарғона вилоятининг фанлар бўйича ўзбек тили гуруҳларида ўртача самарадорлик кўрсаткичлари: ўзбек тили ва адабиёти — 49.65%, математика — 39.75%, физика — 26.30%, биология — 53.10%, кимё — 42.38%, тарих — 54.21%, география — 48.00%, инглиз тили — 37.11%, немис тили — 27.55%, француз тили — 29.11 фоиз бўлиб, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, география фанларидан эришилган ўртача самарадорлик кўрсаткичлари республика ўртача кўрсаткичларидан юқори. Математика, физика, биология, кимё фанлари бўйича кўрсаткичлар республика ўртача кўрсаткичларидан паст. Чет тиллар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари республика кўрсаткичлари даражасида эканлиги кузатилди.

Фарғона вилоятининг самарадорлик кўрсаткичларини Тошкент шаҳри ва республика вилоятларининг фанлар бўйича ўртача самарадорлик кўрсаткичлари билан таққослаш қуйидаги натижаларни берди:

Фанлар	ўрин	
Ўзбек тили ва адабиёти	-	2
Математика	-	10
Физика	-	9
Биология	-	8
Кимё	-	6
Тарих	-	4
География	-	4
Инглиз тили	-	7
Немис тили	-	7
Француз тили	-	7

Вилоят миқёсида шаҳар ва туманларининг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичларини таққослаш эса мана бундай натижаларни берди:

Ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича Данғара, Олтиариқ, Бешариқ, Ўзбекистон, Боғдод, Тошлоқ, Бувайда, Учқўприк, Фурқат туманларидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари вилоят бўйича ўртача кўрсаткичларидан юқори, қолган барча шаҳар ва туманларнинг кўрсаткичлари паст.

Математика фани бўйича: Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари, Охунбобоев, Боғдод, Ёзёвон, Сўх, Тошлоқ, Бувайда, Учқўприк туманларининг самарадорлик кўрсаткичлари вилоятнинг ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан юқори, қолган шаҳар ва туманларнинг самарадорлик кўрсаткичлари паст.

Физика фани бўйича вилоятнинг барча шаҳар ва туманларининг самарадорлик кўрсаткичлари вилоятнинг самарадорлик кўрсаткичидан (26.30%) бир-икки фоиз юқори ёки паст эканлигини кўриш мумкин.

Биология ва кимё фанлари бўйича Марғилон шаҳри, Бешариқ, Тошлоқ, Бувайда, Қирғули туманларидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан юқори, лекин Қўқон шаҳри биология фани бўйича, Қува тумани биология, кимё фанлари бўйича, Қувасой шаҳри кимё фани бўйича вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан 5—10 фоизгача паст эканлигини кўриш мумкин.

Тарих фани бўйича Фарғона, Олтиариқ, Бешариқ, Ўзбекистон, Сўх ва Қирғули туманлари; география фани бўйича Охунбобоев, Риштон, Учқўприк туманлари вилоят кўрсаткичларидан юқори самарадорликка эришган. Қувасой, Марғилон шаҳарлари, Ёзёвон туманидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан паст.

География фанидан Охунбобоев, Риштон, Бешариқ, Боғдод, Учқўприк туманлари кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан юқори бўлиб, қолган туман, шаҳарларнинг самарадорлик кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан паст.

Тест синовлари натижаларини вилоят бўйича таҳлил этиш шундан далолат берадики, абитуриентларнинг физика, биология, кимё фанлари бўйича тайёргарлик даражаси умуман олганда қониқарли бўлишига қарамай, бу фан ўқитувчилари, услубиёт хоналари, халқ таълими бўлимлари, вилоят халқ таълими бошқармаси, педагог ходимлар дастурий материалларни ўқитишда, билим бериш билан бир вақтда шу билимлар асосида мулоҳаза юритиш, уларни амалда ишлатиш малакаларини ҳосил қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш курсларининг самарадорлигини ошириш, ўқув дастурларини тузишда тест синовлари натижаларининг таҳлилидан келиб чиқувчи хулосаларга асослансалар мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	527	46.23	14	354	53.14	3
2	Қувасой шаҳри	106	40.28	20	34	45.59	10
3	Қўқон шаҳри	309	48.48	11	186	55.90	2
4	Марғилон шаҳри	183	45.78	16	52	52.19	4
5	Қува шаҳри	83	42.87	18	10	50.00	7
6	Фарғона тумани	463	48.38	12	14	42.86	11
7	Данғара тумани	291	50.21	8	8	60.76	1
8	Охунбобоев тумани	234	48.78	10	1	33.33	17
9	Олтиариқ тумани	291	49.88	9	14	49.80	8
10	Қува тумани	288	43.44	17	4	32.64	18
11	Бешариқ тумани	450	56.01	1	18	48.15	9
12	Риштон тумани	462	47.85	13	19	39.62	16
13	Ўзбекистон тумани	615	54.45	2	14	51.19	5
14	Боғдод тумани	320	50.59	7	15	39.81	15
15	Ёзёвон тумани	119	46.01	15	3	30.56	19
16	Сўх тумани	40	42.22	19	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	196	53.81	3	3	25.00	20
18	Бувайда тумани	216	52.42	4	5	42.22	13
19	Учқўприк тумани	297	51.44	5	10	42.22	14
20	Фурқат тумани	354	51.37	6	16	42.36	12
21	Қирғули тумани	34	39.46	21	55	50.45	6

	Шаҳарлар ва туманлар	Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	312	44.88	2	204	48.28	6
2	Қувасой шаҳри	59	34.93	17	22	38.64	11
3	Қўқон шаҳри	90	43.92	4	36	48.07	7
4	Марғилон шаҳри	108	45.88	1	31	46.42	9
5	Қува шаҳри	42	33.60	20	5	46.11	10
6	Фарғона тумани	179	39.31	11	5	56.11	4
7	Данғара тумани	96	33.30	21	1	86.11	1
8	Охунбобоев тумани	108	43.85	5	0	0.00	0
9	Олтиариқ тумани	112	38.47	13	7	60.32	2
10	Қува тумани	99	33.92	19	0	0.00	0
11	Бешариқ тумани	152	38.30	15	5	35.56	12
12	Риштон тумани	190	38.68	12	7	27.78	13
13	Ўзбекистон тумани	214	34.45	18	6	58.33	3
14	Боғдод тумани	134	40.90	8	3	20.37	14
15	Ёзёвон тумани	42	41.07	7	0	0.00	0
16	Сўх тумани	22	40.53	9	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	77	42.14	6	0	0.00	0
18	Бувайда тумани	65	44.40	3	1	11.11	16
19	Учқўприк тумани	104	40.49	10	1	11.11	15
20	Фурқат тумани	126	37.41	16	4	47.22	8
21	Қирғули тумани	23	38.41	14	43	55.88	5

	Шаҳарлар ва туманлар	Физика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	90	26.27	8	108	31.71	5
2	Қувасой шаҳри	26	23.18	20	10	25.00	8
3	Қўқон шаҳри	38	28.44	4	27	26.75	7
4	Марғилон шаҳри	35	24.37	17	12	23.38	9
5	Қува шаҳри	15	22.41	21	1	33.33	4
6	Фарғона тумани	69	26.05	9	1	30.56	6
7	Данғара тумани	40	28.47	3	0	0.00	0
8	Охунбобоев тумани	41	31.23	1	0	0.00	0
9	Олтиариқ тумани	44	24.87	14	0	0.00	0
10	Қува тумани	38	24.34	18	0	0.00	0
11	Бешариқ тумани	51	27.18	6	3	15.74	12
12	Риштон тумани	74	25.23	13	4	20.83	11
13	Ўзбекистон тумани	87	25.77	10	1	33.33	3
14	Боғдод тумани	50	27.56	5	1	22.22	10
15	Ёзёвон тумани	16	26.91	7	0	0.00	0
16	Сўх тумани	7	24.60	16	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	25	25.44	12	0	0.00	0
18	Бувайда тумани	29	25.57	11	0	0.00	0
19	Учқўприк тумани	47	29.73	2	0	0.00	0
20	Фурқат тумани	52	24.68	15	1	55.56	1
21	Қирғули тумани	12	23.84	19	28	33.63	2

	Шаҳарлар ва туманлар	Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	94	55.32	8	37	47.00	7
2	Қувасой шаҳри	25	50.89	14	6	44.44	8
3	Қўқон шаҳри	72	41.74	21	45	38.46	13
4	Марғилон шаҳри	18	64.51	2	6	51.39	5
5	Қува шаҳри	26	48.50	19	2	40.28	9
6	Фарғона тумани	140	50.85	15	3	39.81	10
7	Данғара тумани	64	48.65	17	2	33.33	14
8	Охунбобоев тумани	62	53.36	10	0	0.00	0
9	Олтиариқ тумани	75	54.07	9	3	73.15	1
10	Қува тумани	100	43.03	20	1	55.56	2
11	Бешариқ тумани	131	63.53	3	4	51.39	6
12	Риштон тумани	106	51.89	13	2	29.17	17
13	Ўзбекистон тумани	126	53.20	11	0	0.00	0
14	Боғдод тумани	60	49.40	16	3	52.78	4
15	Ёзёвон тумани	36	48.53	18	0	0.00	0
16	Сўх тумани	11	59.34	5	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	53	65.93	1	1	30.56	16
18	Бувайда тумани	53	57.44	6	1	30.56	15
19	Учқўприк тумани	74	57.13	7	1	38.89	11
20	Фурқат тумани	96	52.60	12	1	38.89	12
21	Қирғули тумани	5	59.44	4	8	55.21	3

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	124	40.57	13	33	42.68	5
2	Қувасой шаҳри	21	35.98	18	9	30.25	10
3	Қўқон шаҳри	21	48.54	6	12	43.06	4
4	Марғилон шаҳри	21	51.46	4	8	39.93	6
5	Қува шаҳри	26	36.54	16	4	30.56	9
6	Фарғона тумани	102	36.00	17	1	83.33	1
7	Данғара тумани	41	42.14	9	0	0.00	0
8	Охунбобоев тумани	48	40.63	12	0	0.00	0
9	Олтиариқ тумани	66	41.29	11	5	55.00	3
10	Қува тумани	65	32.56	21	1	16.67	12
11	Бешариқ тумани	110	52.90	3	2	63.89	2
12	Риштон тумани	86	36.79	15	1	16.67	11
13	Ўзбекистон тумани	98	42.80	8	0	0.00	0
14	Боғдод тумани	50	34.06	20	4	34.72	7
15	Ёзёвон тумани	28	35.81	19	0	0.00	0
16	Сўх тумани	13	41.67	10	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	52	57.96	1	1	8.33	13
18	Бувайда тумани	42	46.76	7	0	0.00	0
19	Учқўприк тумани	48	54.05	2	0	0.00	0
20	Фурқат тумани	82	40.48	14	0	0.00	0
21	Қирғули тумани	6	50.46	5	10	33.61	8

	Шаҳарлар ва туманлар	Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	130	50.85	14	113	58.14	4
2	Қувасой шаҳри	26	43.59	21	6	66.67	2
3	Қўқон шаҳри	175	50.46	17	105	56.88	5
4	Марғилон шаҳри	57	47.61	19	15	45.93	9
5	Қува шаҳри	19	52.05	13	3	76.85	1
6	Фарғона тумани	163	57.75	5	6	41.67	14
7	Данғара тумани	152	53.07	12	5	63.33	3
8	Охунбобоев тумани	70	54.37	10	1	41.67	13
9	Олтиариқ тумани	110	57.85	4	4	44.44	10
10	Қува тумани	104	50.53	16	3	31.48	19
11	Бешариқ тумани	210	57.16	6	9	56.48	6
12	Риштон тумани	207	53.34	11	10	35.83	17
13	Ўзбекистон тумани	318	60.45	2	8	52.08	7
14	Боғдод тумани	147	50.74	15	9	41.98	12
15	Ёзёвон тумани	44	45.14	20	3	35.19	18
16	Сўх тумани	7	64.29	1	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	67	54.81	8	2	51.39	8
18	Бувайда тумани	107	54.91	7	3	26.85	20
19	Учқўприк тумани	147	50.26	18	8	37.50	16
20	Фурқат тумани	157	54.72	9	11	44.44	11
21	Қирғули тумани	6	57.87	3	4	38.89	15

	Шаҳарлар ва туманлар	География					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	7	48.81	7	0	0.00	0
2	Қувасой шаҳри	2	20.83	17	0	0.00	0
3	Қўқон шаҳри	11	40.40	13	1	0.00	1
4	Марғилон шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
5	Қува шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Фарғона тумани	5	45.56	12	0	0.00	0
7	Данғара тумани	17	47.22	8	0	0.00	0
8	Охунбобоев тумани	5	61.11	1	0	0.00	0
9	Олтиариқ тумани	3	33.33	15	0	0.00	0
10	Қува тумани	5	46.11	11	0	0.00	0
11	Бешариқ тумани	7	49.60	6	0	0.00	0
12	Риштон тумани	11	53.28	2	0	0.00	0
13	Ўзбекистон тумани	33	49.92	5	0	0.00	0
14	Боғдод тумани	15	52.78	3	0	0.00	0
15	Ёзёвон тумани	3	34.26	14	0	0.00	0
16	Сўх тумани	0	0.00	0	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	2	31.94	16	0	0.00	0
18	Бувайда тумани	5	46.11	10	0	0.00	0
19	Учқўприк тумани	9	52.16	4	0	0.00	0
20	Фурқат тумани	18	46.45	9	0	0.00	0
21	Қирғули тумани	0	0.00	0	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	210	46.15	2	147	57.63	6
2	Қувасой шаҳри	19	41.23	4	7	59.13	5
3	Қўқон шаҳри	155	44.55	3	109	51.63	8
4	Марғилон шаҳри	54	41.00	6	13	63.68	3
5	Қува шаҳри	18	38.43	8	3	87.96	1
6	Фарғона тумани	139	31.59	20	7	55.95	7
7	Данғара тумани	88	31.60	19	6	65.28	2
8	Охунбобоев тумани	25	35.22	13	0	0.00	0
9	Олтиариқ тумани	67	34.70	14	5	63.33	4
10	Қува тумани	63	31.39	21	0	0.00	0
11	Бешариқ тумани	207	41.08	5	10	40.56	10
12	Риштон тумани	159	32.93	17	13	32.91	14
13	Ўзбекистон тумани	202	33.17	16	11	36.87	12
14	Боғдод тумани	115	36.18	10	7	31.35	15
15	Ёзёвон тумани	16	40.45	7	2	19.44	18
16	Сўх тумани	15	37.96	9	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	86	35.76	11	2	26.39	17
18	Бувайда тумани	85	35.39	12	4	35.42	13
19	Учқўприк тумани	107	33.72	15	9	27.47	16
20	Фурқат тумани	86	32.88	18	13	38.25	11
21	Қирғули тумани	4	48.61	1	14	50.40	9

	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	52	27.72	9	43	41.02	3
2	Қувасой шаҳри	27	29.73	3	7	38.89	4
3	Қўқон шаҳри	4	16.67	21	2	20.83	10
4	Марғилон шаҳри	57	28.36	7	19	48.68	1
5	Қува шаҳри	15	26.67	11	2	36.11	5
6	Фарғона тумани	54	23.46	15	2	9.72	13
7	Данғара тумани	1	19.44	19	0	0.00	0
8	Охунбобоев тумани	82	29.20	5	0	0.00	0
9	Олтиариқ тумани	82	26.80	10	4	25.00	6
10	Қува тумани	62	24.96	13	2	22.22	8
11	Бешариқ тумани	3	27.78	8	1	41.67	2
12	Риштон тумани	52	30.50	2	0	0.00	0
13	Ўзбекистон тумани	84	33.30	1	2	20.83	9
14	Боғдод тумани	44	24.68	14	2	23.61	7
15	Ёзёвон тумани	11	21.46	18	0	0.00	0
16	Сўх тумани	2	18.06	20	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	10	29.17	6	0	0.00	0
18	Бувайда тумани	24	29.40	4	0	0.00	0
19	Учқўприк тумани	17	22.06	16	0	0.00	0
20	Фурқат тумани	58	26.53	12	1	16.67	12
21	Қирғули тумани	11	21.97	17	2	18.06	11

	Шаҳарлар ва туманлар	Француз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Фарғона шаҳри	13	48.29	1	8	65.28	1
2	Қувасой шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
3	Қўқон шаҳри	4	20.14	15	0	0.00	0
4	Марғилон шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
5	Қува шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Фарғона тумани	25	31.44	6	1	44.44	2
7	Данғара тумани	52	28.63	9	0	0.00	0
8	Охунбобоев тумани	9	35.49	3	1	25.00	5
9	Олтиариқ тумани	2	27.78	10	0	0.00	0
10	Қува тумани	6	28.70	8	1	27.78	4
11	Бешариқ тумани	5	24.44	13	0	0.00	0
12	Риштон тумани	14	24.80	12	0	0.00	0
13	Ўзбекистон тумани	24	21.18	14	0	0.00	0
14	Боғдод тумани	13	38.68	2	1	19.44	7
15	Ёзёвон тумани	34	25.41	11	1	36.11	3
16	Сўх тумани	2	19.44	16	0	0.00	0
17	Тошлоқ тумани	10	29.17	7	0	0.00	0
18	Бувайда тумани	10	17.78	17	0	0.00	0
19	Учқўприк тумани	10	32.78	5	0	0.00	0
20	Фурқат тумани	20	33.75	4	0	0.00	0
21	Қирғули тумани	0	0.00	0	1	22.22	6

Anjuman

РЕЙТИНГ — МУСТАҲКАМ БИЛИМ ЙЎЛИ

Ватан Остонадан, тараққиёт эса мактабдан бошланади. Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги 279-мактабда «Замонавий мактабда ўқув тарбиявий жараёнинг муҳим масалалари» мавзуида бўлиб ўтган пойтахт маорифчиларининг илмий-амалий кенгашида ана шу фикрга алоҳида урғу берилди. Уни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири уринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев очди ва олиб борди. Янги турдаги ўқув муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида эришган натижалари ва вазифалари тўғрисида ТШУМОИ директори Ш. Шомансуров таҳлилий фикр юритди.

Маълум бўлишича, ҳозир Тошкент шаҳрида янги турдаги ўқув муассасалари сони 32 фоизни ташкил этади. Шаҳарнинг янги тип ва йўналишдаги мактабгача тарбия муассасаларида таёвирий санъат, ўйин, меҳнат, компьютер саводхонлиги, илгариланма таълим, тил ўргатиш ва бошқа қўшлаб услубий соҳаларда иш олиб борилаяпти.

Илм масканларида эса ижтимоий соҳаларга нисбатан аниқ фанларга эътибор ошиб бормоқда. Ўзбекистон тарихи, умумий тарих, ҳуқуқшунослик фанлари бўйича ўғил-қизларга таълим бериш мақтанарли даражада эмас.

Маълумотларга кўра айни пайтда инглиз тили чуқур ўргатиладиган синф ва мактаблар йил сайин кўплаб, немис, француз, испан тили каби фанларни четга суриб қўяётир. Ачинарлиси, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган бўлсада, она тили чуқур ўрганиладиган янги турдаги ўқув муассасалари сони 7 тагина холос. Шулар эътиборга олиниб, янги турдаги ўқув муассасалари ишини мувофиқлаштирилиши лозим ва шарт.

Сирғали туманидаги 318-боғча бошланғич мактаб мажмуаси директори Ҳамид Ҳожихонов ўз маърузасида таълим узвийлигига алоҳида тўхталди. Сирасини айтганда, мажмуа жамоаси ўғил-қизларга инглиз тили ва информатика ҳамда ЭҲМ асосларини ўргатишни асосий йўналиш сифатида қабул қилган. Инглиз тилини ўрганиш жараёнида болалар ўзбек, рус тилидаги сўзларни таққослаб борадилар. Таласффуз қилиш, сўз ва ибораларни ишлатилиши бўйича қўникмалар ҳосил қиладилар. Демак, мажмуа дастури ҳозирги кунда ўқувчи ўз тилидан ташқари икки тилни билиши керак, деб илгари сурилаётган тамойилга тамомила тўғри келади.

Таълимдаги узвийлик тамойилига 279-мактаб-гимназияда ҳам тўлиқ амал қилинмоқда. Демак, анжуман ўтказиш жойи этиб, бу маскан бежиз танланмаган. Ў ерда якшанба мактаби, бошланғич мактаб-гимназия, ўрта мактаб-гимназия, катта гимназия, гимназия-институт босқичлари асосида иш тутилаётир. Ўқитиш рейтинги ва таълим сифати бўйича ушбу даргоҳ бошқа илм масканларига нисбатан анча юқорилаб кетган.

Услубий ишларга, ички назоратга ҳам катта эътибор қаратилган. Мактаб-гимназиядаги ўқувчиларнинг «Умид» фанлар академияси фаолияти шаҳарга танилиб бормоқда. Академияда ўғил-қизлар педагогика, тил, ижтимоий, техник ва иқтисодиёт йўналишларда илмий ишлар қилишяпти. Буларнинг барчасига анжуман қатнашчилари таҳсинлар айтишди.

Бундан ташқари, мактаб-гимназиянинг директори ўринбосарлари В. Ломухина ва М. Камбардиновалар «Гимназиянинг олий ўқув юртлари билан алоқаси», «Рейтинг — мустаҳкам билим йўли» мавзуларида сўзга чиқишиб, тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Батафсил фикр алмашувлардан сўнг анжуман иштирокчилари «Ўқув жараёнига янги технологияни жорий этиш» нечоғлик йўлга қўйилгани билан танишишди. Ижодий лабораторияларда мактабгача ва бошланғич таълим, ижтимоий таълим, аниқ фанлар таълими ҳамда маънавият ва маърифат муаммолари таҳлил қилинди. У ерда мактаб-гимназия ўқитувчилари меҳнатига ҳам муносиб баҳолар берилди.

Биз мактаб-гимназия муаллимларининг дарс ўтиш, ўқитиш савияси билан қизиққанимизда илм маскани директори ўринбосари Малика Камбардинова муҳим «сир» ни ошкор қилди. Ҳар йили илм масканида ўқитувчилар рейтинги ўтказилиб турилар экан. Бунда муаллим дарс ўтиш маҳорати, ўқувчиларининг фан олимпиадаларида қатнашиши, машғулотларга янгилик киритиши, ижодий изланиши, ота-оналар билан бамаслаҳат иш юрита олиши каби ўнлаб шартлар бўйича синовдан ўтади. Бу йилги синовда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Зарифа Исмоилова 258 балл тўплаб, совриндор бўлибди.

Гап шундаки, жамоадаги ютуқ, тажрибалар натижаси барибир ўқитувчи меҳнатига бориб тақалаверади. Очиғи, кадрлар тайёрлаш масъулияти эса яна Олий ва ўрта махсус ўқув юрти вазирлиги зиммасига тушиши аниқ. Демак, олий таълимдаги ислоҳотларни янада жонлантириш, уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш зарур бўлади.

Курбонбой МАТКЎРБОНОВ.

МОЗИЙНИНГ

Узбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов келажаги буюк ва қудратли Узбекистонни бунёд этишда маънавий баркамол инсонни шакллантириш биринчи даражали аҳамиятга молик вазифа эканлигига ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки келажаги буюк давлат ҳам ўз-ўзидан яратилмайди. Уни Ватаним, миллатим, халқим деб юракдан куйиб, ёнадиган, иймони-эътиқоди бутун, маънан бой, пок, комил инсонларгина яратадилар. Бундай маънавий баркамол инсонларни шакллантириш ва тарбиялашда эса Она Ватан тарихининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида кўп ёзилди. Аммо мустақил Узбекистоннинг назарий-илмий, холисона ёзилган тарихини яратишда юртбошимизнинг шахсан эътибори ва ғамхурлиги туфайли дастлабки хайрли ва қутлуғ қадамлар қўйилмоқда. Бу борада ўзбекистонлик бир гуруҳ тарихчи ватанпарвар ва фидоий олимларнинг тарих фанлари доктори, профессор Исломжон Турсунов бошчилигида олиб бораётган самарали ва ибратли ишлари ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Бу меҳнатсевар олимлар гуруҳи Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълими Халқ таълими вазирликларининг қўллаб-қувватлаши, юзлаб ўқитувчилар, олимлар, таълим жамоаларининг фаол билдирган фикр ва истаклари маҳсули ўлароқ «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона Концепцияси»ни яратдилар. Ана шу Концепция асосида умумтаълим мактабларидан то Олий ўқув юртларига қадар Халқ маорифининг барча тизимларида «Ўзбекистон тарихи дастури»ни тайёрладилар. Бу дастур ва методик қўлланмалар ҳозирги кунда сув ва ҳаводек зарурдир. Шу боис республика педагогик жамоатчилиги бу хайрли ишларни зўр мамнуният билан кутиб олди.

Тарихчи олимлар, метод

Iqtisod saboqlari

МУЛК НИМА ВА У ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Узбекистон (Туркистон) мустақил мулкчилик муносабатлари пайдо бўлиб ривож топган энг қадимий ўлкалардан ҳисобланади. Эрамиздан аввалги мингинчи йиллардаёқ бу ҳудудда сунъий суғориш тизимлари бўлиб, улар шу ердаги маҳаллий деҳқончиликни ривожлантиришга хизмат қилган.

Буюк бобомиз Амир Темур эса ҳарбий юришларга сафарга кетишидан аввал ўз давлати ҳудудида яшаётган аҳоли — оилаларининг шароити, йиққан мол-мулкини назоратидан ўтказар ва юришдан қайттандан кейин эса ўз мулкини ортгирган, чорва туёқлари сонини кўпайтирган ва ўз яшаш шароитини яхшилаган оилаларни рағбатлантирар эди. Бунда буюк соҳибқирон бир ўлчамни, яъни инсонларнинг бой-бадавлат яшашларини таъминловчи меҳнат ва ҳаракат эканлигини доимо таъкидлар эди.

Яқин ўтмишда (шўролар тузуми пайтида) мулкнинг деярли барчаси давлат ихтиёрида бўлганлиги сабабли унинг аниқ эгаси йўқ эди. Шунинг учун мулкка нисбатан бепарволик, лоқайдлик, айни пайтда боқимандалик, мутелик сингари салбий хусусиятлар ривож топган. Бундай салбий муносабатлар мулкни эъзозлаш, унга ривож бериб кўпайтириш эмас, балки инқирозга учраб ва совурилиб кетишига сабаб бўлди.

Республикамизнинг илк мустақиллик йилларидан бошлаб мулк ва мулкчиликка бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва бундай ўзгаришлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Узбекистон иқтисодиётининг пойдеворини ташкил қиладиган мулкчиликнинг қуйидаги кўринишлари шаклланиб, ривож топмоқда:

1. ДАВЛАТ МУЛКИ. Бу мулкка, ҳозирча ер (кейинчалик, мулкчилик шаклининг ривожланиши натижасида ерга бўлган муносабат ўзгариб боради), қазилма бойликлар, ҳарбий, алоқа ва энергетика объектлари, йирик саноат корхоналари (ҳиссадорлик усулини қўллаш билан), шаҳарлараро ва давлатлараро транспорт воситалари, илм-фан тараққиёти, санъат ва бошқа соҳалардаги барча моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланади ва давлат томонидан тасарруф қилинади.

2. ЖАМОА МУЛКИ. Бу мулкнинг кўринишлари ҳар хил бўлиб, мамлакат миқёсидаги умумий мулкнинг бир қисмига эгалик қилади.

а) Ҳиссадорлик (акционерлик) жамиятлари.

Мулкнинг бу шакли асосан саноат тармоқларида кўпроқ тарқалган бўлиб, ишлаб чиқариш корхонасидаги барча мулкнинг умумий қийматига қараб акциялар (қимматбаҳо қоғозлар) чиқарилиб, уларни шу корхонада ишловчиларга, ташқаридаги юридик ва жисмоний шахсларга сотиб, пул йиғилади. Бу пул корхонани шакллантириб, уни бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Корхонанинг олган фойдаси акциядорларга уларнинг акциясини қийматига қараб киримфойда (дивидент) сифатида тақсимлаб берилади. Шу тақсимланган фойданинг ҳаммаси шахсий эҳтиёжларни қондириш учунгина эмас, балки уларнинг маълум миқдори, масалан, иккидан бир қисми корхонада ишлаб чиқаришни такомиллаштириб, кўпайтириб ва ривожлантириб борилиши учун ишлатилади.

б) ширкатлар уюшмаси (кооперативлар).

Мулкчиликнинг ширкат кўриниши асосан қишлоқ хўжалигида тарқалган бўлиб, алоҳида-алоҳида кичик жамоаларнинг бирлашувидан, уюшмасидан иборатдир. Уюшмадаги ҳар бир жамоа(ширкат)нинг ўз иқтисодий мустақиллиги бўлиб, улар, аввало, шу жамоа ижарага олган ерга, ундаги экинзорларга, баъзи ишлаб чиқариш воситаларига ва ҳатто банкда ўзларининг ҳисоб рақамларига ҳам эга бўладилар. Лекин ҳозирги пайтда пайдо бўлаётган ширкатлар уюшмаси таркибида юқорида қайд қилинган жамоа-деҳқон хўжаликлари мавжуд эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ шароитидаги раҳбарларнинг кўпчилигини эски тузум пайтидаги иш услубларидан қутула олмаганликларидир. Натижада шаклланаётган ширкатлар уюшмаларининг кўпчилиги номи-шакли ўзгартирилган, аммо моҳияти эскича қолган. Давр, вақт кутиб турмайди, у доимо ҳаракатда — ўтиб боради. Яқин орада бизнинг қишлоқларимизда шундай ўзгаришлар рўй берадики, у ҳолда бундай «ясама», «сунъий» ширкатлар уюшмаси ўз ихтиёрлари билан замон талабига жавоб берадиган қишлоқ корхоналарига айланишига шубҳа йўқдир.

в) жамоа хўжалиги. Бу корхоналарда (асосан илгариги колхозлар) мулк жамоанинг қўлида бўлиб, у жамоа бошқаруви орқали идора қилинади. Жамоа хўжалигининг мулки (асосан фондлар ёки бўлинмас фондлар) ҳар бир жамоа аъзосининг қўшган улуши ва давлатнинг маълум муддатда берган имтиёзли қарзлари ҳисобига шаклланган бўлиб, унинг эгаси шу жамоадир.

Дарҳақиқат, ҳар бир деҳқон жамоа хўжалигининг аъзоси сифатида у ердаги ўз улушини аниқ ва равшан билиши керак. Ўша улуш деҳқоннинг ёки унинг хўжалигининг йиллик даромадини белгиловчи манба бўлиб хизмат қилиши лозим.

3. ХУСУСИЙ МУЛК. Хусусий мулк эндиликда жадал суръатлар билан ривож топиб бормоқда. Яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, шўролар тузуми пайтида хусусий мулкнинг йўқлиги, фуқаролар даромадининг асосан нақд пул сифатида йиғилиб қолишига имкон яратган. Аҳолидаги пулнинг миқдори 1990 йилларнинг охирида бошланган иқтисодий ислоҳотлар пайтига келиб ўзининг энг юқори даражасига кўтарилган ва у бир неча юз миллиард сўмни ташкил қилган. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётни эркинлаштиришга катта тўсиқ эди. Бундай иқтисодий хавфни тушунмасдан туриб мамлакат миқёсида қўққисдан бирданига ҳаракат қилишлик катта хатоларга олиб келиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмасди. Лекин, минг афсуски, 1991 йилнинг апрель ойида нархларни эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар ва уларни 1992 йил бошидан эркин ҳолатга ўтиши мамлакат иқтисодиётини изидан чиқариб, қийинчиликка дучор бўлишига сабаб бўлди. Ана шундай қийин ва мураккаб пайтда Президентимиз И. А. Каримовнинг нафақат давлат арбоби, балки улкан ва чуқур мулоҳазали аллома эканлиги ўз исботини топди. У Узбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишда ўзига хос ва ўзига мос йўли борлигини кўрсатиб бера олди. Бу йўлнинг нечоғлик тўғрилигини амалий ҳаётимиз исботлаб турипти.

Биз хусусий мулкни шакллантириб, унинг ривожига катта йўл очиб, узлуксиз тараққий қила боришини таъминласак, бозор муносабатларини мустаҳкамлашга, мамлакат иқтисодиётининг ўсишига имкон яратган бўламиз. Чунки хусусий мулк эгаси бўлиш, табиий ва яратилган моддий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва иқтисодий тараққиётда рақобатни вужудга келтириш бозор иқтисодиётининг бош талабидир.

Ҳозирги кунда хусусий мулкчиликни шакллантириш ва бошқариш тизимида қуйидаги йўналишлар мавжуд:

— хусусий корхоналар ва фирмалар;
— хусусий савдо тизими;
— хусусий хизмат кўрсатиш тизими;
— хусусий фермер хўжалиги.

Хусусий мулкнинг ривожланиб бориши, энг аввало, аҳолини иқтисодиётда фаол иштирокини таъминлайди, кишилар ўзларини-ўзлари бошқаради ҳамда қарамлик ва мутелик иллатларидан холи бўладилар. Мамлакатда фойдали иш фаолияти билан бандлик кўпайиб боради, кундалик иқтисодиётимизда рақобат вужудга келади, маҳсулот сифати яхшиланади ва ниҳоят аҳолининг турмуш даражаси уса боради.

Хусусий мулкчиликнинг таркибий кўриниши қуйидагичадир:

— хусусий ишлаб чиқариш корхона ва фирмалари;
— хусусий савдо тизими (дўкон, умумий овқатланиш, дорихона ва бошқалар);
— хусусий хизмат кўрсатиш тизими (аҳолига маиший, маданий, тиббий, транспорт ва бошқа хил хизмат кўрсатиш);
— хусусий фермер хўжаликлари (чорвачилик, деҳқончилик ва бошқа турдаги хўжаликлар).

Яқин ўтмишда — бундан 6-7 йил муқаддам хусусий мулк тўғрисида гапириш шўролар тузумининг томирига болта уриб, «майда буржуазия сарқитларини» ташвиқот қилиш деб аталарди ва «бундай шахслар» сиёсий-жиноий жавобгарликка тортилар эди. Кўз олдимизда хусусий мулкни пойдевор қилиб олиб ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Германия, Япония, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларда рўй бераётган иқтисодий тараққиётни ўта қайсарлик қилиб, тан олгимиз келмас эди.

Мана энди ойни этак билан ёпиб бўлмайди деган ҳақиқат ўз исботини топди. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, бизнинг жонажон Ватанимиз Узбекистон ўз мустақиллигига эришди ва мулк хусусидаги давлатнинг яккаҳокимлик тизимига чек қўйилди.

Эндиликда Президентимиз айтганидек, **«Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш»** (И. А. Каримов. Узбекистон — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент «Узбекистон», 1995 й., 18-бет) мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий стратегик мақсадларидан бири қилиб олинди. Ҳозирги пайтга келиб биз мулкчилик шаклларини ривожлантириб, унинг минглаб кўринишидаги нодавлат сектори мустаҳкам шаклланиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Умуман, республикамиздаги бундай иқтисодий ўзгаришлар бозор муносабатларини янада чуқурроқ ривожлантиришда, рақобатнинг кучайишида, иқтисодиёт барқарорлашиб, аҳоли турмуш даражасининг ўсиб боришида бош омиллардан бирига айланаётир.

Ноҳид НИЁЗОВ,
иқтисод фанлари номзоди, профессор.
Муртазо СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Боши ўтган сонларда.

МУАЛЛИМА – СЎЗ УСТАСИ

СЎЗ — инсонга ўз фикрларининг баёни учунгина эмас, балки бошқалар тафаккурини уйғотиш учун ҳам берилган, деб ҳисоблашади донолар.

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги Тожихон Абдуллаева номли 26-таянч мактабда қирқ икки йилдан бери ўқувчиларга она-тили ва адабиёт фанидан билим бериб келаётган Ҳуррият Турабекова ҳам том маънодаги сўз устасидир.

Оз бўлса ҳам билмоқ учун кўп ўқимоқ зарур. Ҳуррият опанинг энг севган машғулоти эса тўхтовсиз мутолаа. Шу сабабданми у нафақат мактабда, туманда ҳам энг билимдон муаллима, сўз устаси ҳисобланади.

— Ҳуб ўқитиш учун аввало ўқитувчининг ўзи кўп ўқиши шарт, — дейди лўндагина қилиб биз билан суҳбатда Ҳуррият опа. У кишининг қўлида минглаб ўқувчилар сабоқ олган, олмоқда. Уларнинг кўпчилиги айни кунда мактабларнинг моҳир ўқитувчилари, айримлари илм-фан тараққиёти учун хизмат қилувчи олимлар бўлиб етишишди. Бунга шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Шуҳрат Мўминовни, шу мактаб илмий бўлим мудири Каримахон Қўчқоровани, муаллима Дилоромхон Тулагановани, Мактубахонни, Арофатхонни, Мунирани, Жамилахонни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

«Инсониятнинг битта кулфати бор, у жаҳолатдир; бу кулфатнинг ягона давоси эса — илм» дейишади унинг ёшларга илм бераётган шогирдлари. Изланувчан, тиниб-тинчимас устоз дарсларини мукаммал ўтишда, муфассал билим беришда турли манбалардан, техника воситаларидан, кўргазмали қуроллардан, ўқув фильмларидан, қўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқувчилар онг-шуурига билимни мустаҳкам жойлайди. Сўз орқали сайру-саёҳат, театр-саҳна, баҳс-мунозара, маъруза, конференция, бадиий китоб таҳлили ўқувчиларга билим беришда унинг энг севган усулларидир. Ва яна у киши камтарлик билан ўқувчиларга тайинлайдики: — Илм бериш фақат мактабнинг иши эмас. Мактаб шу билимга калит беради холос. Мактабдан ташқари ўқиш ҳаётни тўлалигича қамраб олади. Ва яна мустақил ўқиш жараёнини фойдалилиги ҳақида: мактабдан ташқари олинадиган ҳар қандай билим (чунки ҳаёт бутун борлиғи билан мактаб доирасига сиғмайди) мустақил ўқиш жараёни эканлигини билиб қўйинглар, деб қайта-қайта тайинлайди.

Умарали ЖАМОЛОВ.

ВАТАН ТУЙҒУСИ — ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги Усмон Носир номли 241-мактабда публицист ёзувчилар Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Ҳайриддин Султонов ва Нарзулла Жўраевларнинг ҳамкорликда яратган «Ватан туйғуси» китоби асосида «Ватанга муносиб фарзанд бўлайлик» мавзуида мактаб, оила, маҳалла ва жамоатчилик ўртасида семинар-конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон мадҳияси билан бошланди. Мактаб директори, олий тоифали ўқитувчи Муяссар Раҳимжонова конференцияни очар экан, мактабда бир ҳафта олдин бошланган «Ватан ҳисси — муқаддас туйғу» номи билан аталган очиқ дарслар, суҳбатлар ва конференция натижалари ҳақида гапириб берди.

Семинар-конференция давомида Мирзо Улуғбек, А. Навоий, Бобур, Зебуннисо, Нодира, Фитрат, Усмон Носир, Чўлпонлар тимсолида ўқувчилар саҳна кўринишларини намойиш қилдилар, ривоятлар ўқидилар. Мактабнинг жажжи ўқувчилари Зилола Бозорова, Наргиза Маҳмудова, Мунира Ҳакимова, Сарвар Бобожонов каби ўқувчилар эса Ватан, мустақиллик, она юрт тўғрисида шеър ва қўшиқлар ижро этиб, қатнашчиларни хушнуд этдилар.

— «Ватан туйғуси» китоби айни вақтида ёзилган бўлиб, ҳозирги авлодни — келажак авлодни одобли-ахлоқли, инсофлидиёнатли қилиб тарбиялашда барча тарбия муассасаларида ўқитувчи, тарбиячи, педагогларнинг қўлдан тушмас бойлиги бўлмоғи даркор, — деди шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тарбиявий ишлар бўлими бош мутахассиси Омон Мамасолиев.

— Бу китоб, биз ўқитувчиларга ўз қадриятларимизни, маънавиятимизни тўлиқ етказишда ҳақиқий йўлланма бўлади, — деб давом эттирди ўз сўзини туман халқ таълими бўлими мудири Талъат Нурмуҳамедов.

Ҳақиқатан ҳам ўтмишигни билмай туриб, ўзлигингни билиш қийин. Юртимизнинг азиз тупроғини ўзгалар назаридан асраган, эл, юрт, Ватан учун ўз жонларини аямаган Амир Темур, Бобурлар, Жалолиддиндек ўз юртининг асл ўғлонлари бўлганди. Муаллифлар китобда шу каби воқеаларни сержило, лўнда, тушунарли ва мазмунан бой тарзда акс эттирганлар. Албатта, биз бугунги кунда ана шу «Ватан туйғуси» китоби орқали ҳар бир саволимизга жавоб олишимиз мумкин.

«Миллий қадриятларни эъзозлаш — авлодлар бурчи» деб номланган меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг ўз қўллари билан тиккан миллий либослари, бешик анжомлари, рўзғорда ишлатиладиган ҳунармандчилик асбоблари ҳамда «ўлкашунослик» музейида сақланаётган нодир топилмалар конференция иштирокчиларига намойиш этилди. Улар келажак сари интилиб, Ватан ишқи, юрт ишқи билан яшаётган ўқувчи-ёшларга омад тиладилар.

Тадбир охирида семинар қатнашчилари, китоб муаллифларининг бири Нарзулла Жўраевдан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олиб, китоб муаллифларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Тиловат СОАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг катта муҳаррири.

Тошкент шаҳридаги 311-бошланғич мактабда кичик синфдаги ўқувчиларнинг ўқиб-ўлғайишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Натижада ўғил-қизлар ўзлаштиришлари қутилганидан ҳам зиёда бўлаётир.

СУРАТДА: фидойи муаллима Маъсуда Мирзаева 1-синф ўқувчиси Маъсуда Нажмиддинованинг ўқишдаги кўрсаттичларини текшириб кўраяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Maktab kutubxonasiga

Дунё, қолаверса, мамлакатимиз миқёсида чоп этилаётган ёки чоп этилган оммабоп китобларнинг кўпгина қисми физикага, унинг бошқа фанлар билан алоқасига, муаммоларига бағишланган десак, хато бўлмайди. Шундай адабиётлардан фойдаланишни йўлга қўйиб, ўқувчилар ўртасида ҳар хил мунозарали мавзуларда семинарлар уюштиришнинг ўзи ҳам ўқувчиларни нафақат физикага, оламнинг пайдо бўлиши, тузилиши, бундан кейинги тақдирига, инсониятнинг яшаб қолиши нималарга боғлиқлигига, экологик тоза ишлаб чиқаришни теран фикрлашга муносабатни шакллантиради, ҳатто, айрим ижодий фикр туғилишига сабаб бўлади.

Фан-техника сунгги йилларда атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда улкан ютуқларга эришди. Ҳозирги вақтда атом бағридаги битмас-туганмас энергияни юзага чиқариш, ундан саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, тиббиётда кенг фойдаланиш борасида ядро физикаси жуда кўп кашфиётлар очмоқда.

Ҳаётда илм-фан, маърифат, маданият соҳасининг намоёнлари борки, улар ўзларига тортиқ қилинган умрнинг ҳар лаҳзасида Ватанимиз истиқболи учун яшаётгани киши кўнглини ғурурга тўлдиради. Раҳим Бекжонов ана шундай қайноқ қалбли инсон, ажойиб олим, меҳрибон устоздир. Жумҳуриятимизда Р. Бекжоновни билмаган киши бўлмаса керак. Узбекистон ҳамда Нью-Йорк Фанлар академияларининг академиги, республикамизда ядро физикаси асосчиларидан бири, ядро физикаси фанида эришган илмий ютуқлари, замонавий муаммоларни ёритувчи биринчи монография ва маълумотномалари туфайли шу соҳада ўз ўрнига эга, жаҳонга танилган олим Р. Бекжонов Ўзбекистонда ядро физикаси фанини пайдо бўлиши давридаги ажойиб олимлар вакилидир.

Фан нашриёти яқинда Раҳмат Худойбердиев, Саъдулла Ҳаким томонидан тайёрланган «Атом қаърига саёҳат» номли китобини ўқувчилар ихтиёрига тақдим этдилар. Китоб академик Р. Бекжоновнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган бўлиб, унда Узбекистонда ядро физикасининг тараққиёт тарихи ҳам ёритилган. Рисоланинг кўп жиҳатлари ўқувчи-ёшларга ибрат бўларлик тарзда ёзилган. Дарҳақиқат, академик Р. Бекжоновнинг ўсмирлик чоғи, ўқишга чанқоқлиги, қизиқувчанлиги, айниқса, ўзига талабчанлигидан кўпгина ёшлар ўрнак олса арзийди. Ажаб эмас мазкур китобни ўқиб мен келажакда Р. Бекжоновдан ҳам ўтадиган физик бўламан, деган изланувчан ёшлар етишиб чиқсалар.

Китоб муаллифлари илм чўққисига чиқиш игна билан қудуқ қазишдек нақадар машаққатли эканлигини «Илмий изланишлар» бўлимида очиб беришган. Атом ядроси соҳасидаги олимнинг эслаб ўтган кўплаб илмий фактлари, маълумотлари ниҳоятда қимматлидир. Лекин атом ядросининг ҳозирги манзараси қанчадан қанча машаққатли, узундан-узоқ баҳслар асосида юзага келганлиги фақат Р. Бекжоновга маълум бўлса керак. Рисолада кўплаб қизиқарли эпизодлар, маълумотлар келтирилган, улар ўқувчиларни тезда ўзига жалб этади. Жумладан бўлғуси олимнинг 5-курс (босқич) да диплом ишини бажариш учун талабалардан ёлғиз ўзи физика-техника институтининг бир гуруҳ олимлари билан Помир космик нурлар станциясига чиқиб кетади. Тажрибалар ўтказадиган қурилмалар анча мураккаб бўлиб — унга келиб тушган элементлар, зарралар — космик нурлари ўз-ўзини суратга олиш керак эди. Бунинг учун қурилмадан зарра ўтиб келаётганини тез сезиш, фотоаппарат эса нур-оламшумул кашфиётлар қилган машҳур олимлар У. Орипов, С. Азимов, И. Алимхонов, Алихонян, Стародубцев, И. Франк, Б. Желепов, В. Соловьев, Я. Зельдович,Л. Арцимович, А. Александров) ҳақида эсдаликлари, ўй ва мулоҳазалари келтирилган.

Рисола физика фанининг яратувчилари, уларнинг ҳаёти, фаолияти ва ядро физикасининг тарихи билан қизиқувчи мактаб ўқувчиларига, мустақил мамлакатимизнинг келажаги йўлида ўзини фанга бағишлаш ниятида юрган ёшлар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Агар сизни физика фани қизиқтирса, албатта, «Атом қаърига саёҳат» номли китобни олиб ўқинг. Рисола матнида акс этган ибратли ҳазил тоифа, образли, кучли ва салобатли фикр-мулоҳазаларга бой бўлган вазиятлар жуда кўп учрайди.

Б. МИРЗАҲМЕДОВ,
профессор,
А. ҲУСАНОВ,
профессор.

СИРЛИ ДУНЁ САЙЁҲЛАРИ

ХОЛИС ТАЛҚИНИ

Yangi darslik

нарли очиб берилган.

Қўлланманинг иккинчи бобида «Узбекистон тарихий тараққиётининг ўз йўли ва унинг ҳуқуқий асослари» хусусида гап боради. Унда муаллифлар назарий-илмий нуқтаи-назардан фақат Узбекистонгагина хос бўлган тараққиёт йўли — эркин мулкчилик ва бозор иқтисодиёти йўлининг танлаб олинганлигини содда ва оммабоп шаклда асослайдилар. Ўн беш параграфдан иборат мазкур бобда биз Узбекистонда ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва Конституциявий ислоҳотларнинг яратилиши билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топганлигини кўрамиз. Қўлланмада мустақил Узбекистон Республикасининг биринчи Конституциясининг қабул қилиниши, унинг жаҳон андозаларига бемалол жавоб бера оладиган тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари баён қилинган. Муаллифлар, айниқса, Конституциямизнинг демократик хусусиятларини очишга катта эътибор бериш билан бирга, ҳар қандай мустақил давлат тараққиёти ва қудратининг асосий шарти бўлган Конституция ва қонуннинг устиворлигини алоҳида таъкиллаганлар. Узбекистон Республикаси Конституциясининг тарихий аҳамиятини атрофлича асослаган муаллифларнинг қуйидаги ҳақли ва адолатли хулосаларига қўшилмасликнинг иложи йўқ: *«Хулоса шуки давр ва замон талаблари даражасида келажаги буюк Узбекистонни яратиш имкониятини берадиган мустақиллик Қомуси яратилди. Ҳамма гап мустақиллик Қомуси бўлган Конституция моддаларининг катта-кичик масъул идоралар ва фуқаролар томонидан бажарилиши ва унга амал қилинишига боғлиқ. Конституциявий қонун-қоидаларга амал қилинмаса ва бажарилмаса, у ҳар қанча яхши ҳужжат бўлмасин, барибир бефойда, қоғоздаги ҳужжатлигича қолаверади».*

Учинчи боб «Жамият ҳаётини демократлаштиришда-ги дастлабки қадамлар» дир. Унда муаллифлар мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этишдек бош вазифага асосланганлар. Мазкур бобнинг каттагина қисми демократик, ҳуқуқий давлат вужудга келишининг асосий шарти ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Узбекистон Республикасининг бугунги тараққиётининг йўналашини белгиловчи: ҳаётий қонуният — ҳурфикрлик, кўппартиявийлик масаласига бағишлангандир.

«Узбекистон — бозор иқтисодиёти муносабатлари йўлида» деб номланган тўртинчи бобда Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жабҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг иккинчи босқичдаги устувор вазифалар ўрин олган.

Бешинчи боб «Мустақиллик йилларидан фан, маориф ва маданият»дир. Бунда бой фактик материаллар асосида мустақил Узбекистон объектив сабаблар тақозосига кўра мавжуд бўлган қийинчиликларга қарамасдан фан, адабиёт, маориф тармоқлари, Олий ва ўрта махсус таълим, халқ саломатлиги, тиббиёт, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида катта муваффақиятларни қўлга киритаётганлиги ҳикоя қилинган. Шунингдек, мазкур бобда Узбекистон ҳукумати ва шахсан Ислом Каримовнинг маданий тараққиётга ғамхўрлиги, республикада театр ва кино санъати, халқ бадиий ижодиётининг равнақи, шаҳарсозлик ва архитектура қурилишининг ривожи халқ миллий ҳунармандчилигининг янги тараққиёт босқичи каби бир қатор тарихий долзарб муаммолар ечими ўз ифодасини топган.

Муаллифлар тўртинчи ҳокимият сифатида мустақил, ҳуқуқий ва демократик давлатни барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлган «Оммавий ахборот воситалари»нинг ўрнини алоҳида параграфда ёритганлар ва бу соҳадаги ютуқ ва ечимини кутаётган масалаларга ўқувчи диққатини қаратганлар.

Олтинчи, сўнгги боб «Узбекистон ва жаҳон ҳамжамияти» деб аталади. Унда муаллифлар мустақиллик шарофати туфайли Узбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузи кундан кунга ошиб бораётганлиги ва бугунги кунда республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланганлиги миллий фахр ва ғурур билан ҳикоя қилганлар.

Қўлланмада Узбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий Конституциявий тамойиллари ҳам ўз аксини топган. Айни пайтда муаллифлар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги иқтисодий, савдо, маданий, спорт ва туризм соҳаларидаги алоқалари тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётганлигини ишончли далилларда кўрсатганлар. Ҳар бир боб ва параграфлар асосли ва ўринли хулосалар билан якунланган. Бу жиҳатдан қўлланма сўнггида берилган назарий ва илмий хотима айниқса, диққатга лойиқдир. Муаллифлар якуний хулосада мустақил Узбекистон тарихининг зарвараги ҳисобланган хотима қисмини мантиқан асослай олганлар. Қўлланмадаги барча расмлар рангли тасвирда амалга оширилгандир. Ўқув қўлланмасининг 237-бетидаги қуйидаги якуний хулосалар ҳар биримиз учун ҳаётий сабоқ бўларлик даражада муҳимдир: *Узбекистоннинг беш йиллик миллий мустақил тараққиёт йўли мамлакатдаги барча сиёсий кучлар, партиялар, гуруҳлар, халқ ҳаракатлари, умуман фуқаролар учун ҳаёт имтиҳони бўлди. Бу оғир ва машаққатли синовдан тарихий илдизи ва пойдевори мустаҳкам бўлган халқимиз муваффақиятли ўтди. Чунки, Ислом Каримов ҳақли суратда таъкидлаганидек:* **«Иморатнинг мустаҳкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанчалик бақувват бўлса, иморат ҳам шунчалик узоқ ва маҳкам туради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай муҳташам бино ҳам бир марта бўрон турса бас, ўша заҳоти қулаб тушади.**

Халқимизнинг маънавий пойдевори — бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди. Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади. Гапнинг индаллосини айтишим керак: айрим одамлар ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар!»

Қўлланма сўнггида берилган иловалардаги Узбекистон парламенти қабул қилган қонунлар, статистик маълумотлар уни янада бойитган.

Хуллас, тарихчи олимлар Шоди Каримов, Исломжон Турсунов ва Рустамбек Шамсутдиновлар Узбекистоннинг мустақиллик даври тарихи бўйича ўқув қўлланмаси тайёрлаб жуда фойдали ва савобли ишни амалга оширганлар. Республика кенг жамоатчилиги, хусусан Узбекистон тарихидан дарс берувчи ўқитувчи-педагоглар, барча турдаги мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўрганувчи ўқувчи ва талаба ёшлар, Ватан тарихига бефарқ бўлмаган барча китобхонларга бу китоб ажойиб туҳфа бўлишига шубҳа йўқ.

«Ватан тарихи» ўқув қўлланмасининг юқори илмий-назарий савияда ёзилганлиги, республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, таълим ва тарбия ишлари рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва қорақалпоқ тилларида олиб борилишини назарда тутиб, ўқув қўлланмани зудлик билан мазкур тилларда таржима қилишни амалга оширишларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Аҳмадали АСҚАРОВ,
академик, тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

O‘qituvchilarga yordam

ЮЛДУЗЛАР ОЛАМИГА ЙЎЛ

4. КОСМОСГА БИРИНЧИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР

АҚШ мутахассислари қанча уринишмасин ўша пайтда орбитада учишга одам чиқара олишмади. Фақат 1961 йилнинг 5 майида ва 21 июлида иккита аэронавтни (Алан Шепард, Вирджил Гриссон) 180 км баландликка чиқариб тушириши холос. Бу пайтда эса собиқ Совет Иттифоқи дунёга яна бир янгилик тайёрлаган эди: 1961 йилнинг 6 августида «Восток-2» космик кемаси иккинчи космонавт — Герман Степанович Титовни орбитага олиб чиқди. У орбитада 4 сутка яшади: вазнсизлик шароитида 2 марта овқатланди, ухлади; Ерни ва космосни биринчи бўлиб суратга туширди; тўртинчи айланишида денгиз касалига ўхшаш космик қалтираш касалига дуч келди, бошини қимирлатишда қийналди; олтинчи айланишда қайт қилгиси келди. Титовга инсонлардан биринчи бўлиб «орбитада ухлашга тўғри» келди, лекин қўллари фазода сузиб кетиб ноқулайлик туғдирди. АҚШнинг биринчи аэронавти Джон Гленннинг учиши бир неча ой кечиктирилавериб, 1962 йилнинг февралида «Меркурий» космик кемаси учирилди. Орбитага чиқиш соз бўлди, ҳатто юкланиши центрифугадагидан ҳам камроқ эди. Бошланишида Ерни, космосни томоша қилиб роҳатланди; суратга туширди. Овқатланиб ҳам олди. Лекин ташвиш олдинда эди... Кутилмаганда аппарат атрофида, қоронғуликда минглаб чўғсимон заррачаларни кўриб қолди. Фақат Қуёш чиққач улар кўринмай қолди. Аммо корабл устиворлигини таъминловчи автоматик системанинг носозлиги билиниб қолди; кораблнинг фазодаги ҳолатини аэронавтнинг ўзи бошқариб туришига тўғри келди. Шу пайтда Учириш марказидаги телеметрик маълумотлар кораблдаги туширишсистемасида жиддий камчилик борлигини кўрсатдилар. Лекин буни Гленндан яширишди. Учинчи айланишда чўғсимон заррачалар яна пайдо бўлди. Учиш марказидан туширишсистемаси ишдан чиққанини айтишди; оператор Джонни юпатиб қўйди ва туширишсистемасининг ўтказгичини автоматик режимга қўйишни тавсия қилди (агар кабинада яшил лампочка ёнса ишламаслигининг белгиси эди). Гленнинг бахтига ўнмади. Тормозловчи система ўз вақтида ишлай бошлади; аммо бошланишида тормозловчи двигателларнинг фақат биттаси ишлади. Бироздан кейингина қолган иккитаси ишлаб кетди. Тушишнинг ўртасида кабинада қизил лампочка ёниб қолди; бу ёқилғи тугаганидан далолат берарди. Энди кораблни бошқариш қийин бўлиб қолди. Ваҳимага тушган Гленн парашют системасини ишга тушириб юбормоқчи бўлди. Лекин бу хавфли эди; чунки анча баландда юқори тезликда парашют очилмай қолиш хавфи бор; очилса ҳам юкланишдан парчаланиб ишдан чиқиши мумкин эди. Нима бўлса бўлар деб тақдирини кутди: парашют системаси 10 км баландликда автоматик равишда ишлаб кетди; аслида 8 км баландликда ишлашга мўлжалланган эди. Унинг бахтига муваффақиятли тушиш бошланди. «Меркурий» Атлантиканинг мўлжалдаги жойига соз тушди ва Гленн бундан 17 минут кейин қутқарувчи ҳарбий кораблда эди: «Худога шукур, барча мушкул ортда қолди» — деди у. НАСАнинг вакилларига у шундай деди: «Мендан, учишдан олдин қўрқув аломатларини сездингизми, деб сўрашди. Мен қўрқув сезганлигимни айтдим. Агар қўрқув фалаж қилиб қўйса, ҳаракатларимизга халақит берсагина хавфлидир. Қўрқувнинг энг яхши дориси аҳволни мумкин қадар билиб, идрок қила билишдир». Джон Гленн НАСАда ишлаб, «Аполлон» программасида иштирок этди. Кейинроқ сиёсат ва коммерция билан шуғулланиб миллионер бўлди.

1962 йилнинг 24 майида АҚШда иккинчи аэронавт Малколм Карпентер «Меркурий» космик кемасида орбитага муваффақиятли чиқарилди. У ҳам Гленн каби бошланишида биринчи айланишдаёқ ёнилғи запасининг деярли ярмини ишлатиб қўйди. У ҳам чўғ кўринишидаги заррачаларни кўрди ва уларнинг капсуладан чиқаётганини аниқлади. Унинг парвози ҳам саргузаштсиз бўлмади: скафандрдаги ҳарорат режими бузилиб у жуда иссиқлади. Аппаратнинг тормозланиши олдидан қўл билан бошқариш системасининг бакидаги ёнилғи тугаганлигини сезди. У аппаратга тушишдан олдин тўғри йўналиш бера олмай қолди, тормозлаш двигателлари ишлаб кетди ва аппаратни 25 градус ўнгга буриб юборди. Учириш маркази билан алоқа узилиб қолди... Тушишда кема тебрана бошлади. Устиворлигига хавф туғилди. Гленн тажрибасидан фойдаланиб парашют системасини олдинроқ ишга тушириб юборди ва аппаратнинг соз тушишини таъминлади. Фақат Атлантика океанининг мўлжалланган ҳудудидан 400 км узоққа эсономон тушди. Бироқ учиш марказида уни йўқотиб қўйишди ва ҳақиқий ваҳима бошланди. Фақат 3 соатдан кейингина изловчи вертолётдан уни кўриб қолишди. НАСАнинг масъул ходимларидан бири уни масъулиятсизликда айблаб, қаттиқ ҳақоратлади ва у ишлаб турса Валтерни бошқа учирмаслигини айтди.

Ўша пайтдаги ҳар бир космик парвоз сиёсат билан, икки системанинг кураши билан узвий боғлиқ эди. Масалан, Н. С. Хрушчевга 1963 йилнинг ёзида шундай парвоз зарур эди, чунки у Кубадаги кризисда асосий сабабчи бўлиб, анча обрўйига путур етказган эди. Шунинг учун у С. П. Королёвдан аёл ҳам космосга учирилишини талаб қилди, у дунё аёлларининг олқишини олиб ишонч қозонмоқчи бўлди. 1963 йилнинг 14 июнида «Восток-5» космик кемаси космонавт В. Ф. Быковскийни орбитага олиб чиқди. Икки кундан кейин эса «Восток-6» кемасида космосга биринчи аёл-космонавт Валентина Терешкова чиқди. Фақат кўп йиллардан кейингина бошқа аёллар орбитага чиқарилди. Светлана Савицкая космосга икки марта чиқиб тушди. Салли Райд — космосга биринчи чиққан америкалик аёл.

Шуни очиқ айтиш керакки, «Восток»да Терешкова анча қийналди, чунки кема аёлларни учиришга мўлжалланмаганди. Лекин «Восток» «Меркурий»ларга қараганда анча соз эди. Олтита учишнинг барчаси муваффақиятли бўлганлиги бунинг исботидир.

Аста-секин космосга учишларнинг янги босқичи бошланди. Муаммолар ҳам узгарди. Космик текширишларда уч йўналиш мавжуд эди: 1. Космосни индустрлаш, яъни янги моддалар ва материаллар ишлаб чиқарувчи космик заводларни йўлга қўйиш;

2. Орбитадан туриб Ердаги ва космосдаги ҳодисаларни кузатиш, уларни янгича талқин қилиш, илмий текширишлар олиб бориш;

3. Ойга экспедициялар юбориш, ундаги ҳодисаларни ўрганиш, Ойда кузатиш, текшириш базалари, яшаш жойлари қуриш...

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ.
(Давоми бор).

Боши ўтган сонларда.

O‘quvchi-talabalarning IV respublika spartakiadasi

ЎЙИНГОҲДА БАЙРАМ

Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби уйингоҳида 12 май куни спартакиада дастуридаги енгил атлетика мусобақалари тугагач, спартакиада якунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги IV спартакиадаси ташкилий қўмитаси раиси, халқ таълими вазирининг ўринбосари Х. Маъсудов ўқувчиларга мурожаат қилиб, спортнинг 20 тури бўйича ўтказилган мусобақаларда яхши кўрсаткичлар қайд этилганлигини таъкидлади ва ёш спортчиларга ўқишда, спортда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Ўйингоҳда ҳозир бўлган енгил атлетика мусобақаларининг иштирокчилари, Чилонзор ҳамда Акмал Икромов туманидан ташриф буюрган спорт ишқибозлари, Республика Халқ таълими вазирлиги ашула ва рақс ансамбли, республика ўқувчилар саройи бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзоларининг байрам концертини томоша қилишди.

Қуйида спартакиада дастуридаги спорт турлари натижалари билан танишасиз.

ПОЙТАХТЛИКЛАР «ТАХТ»ДА

Спартакиадада Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятидан ташқари барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри командалари қатнашишди. Тошкент шаҳри енгил атлетикачилари 17342,5 очко билан спартакиада чемпионлари бўлишди. Самарқанд вилояти командаси 16047,3 очко жамғариб иккинчи, Тошкент вилояти спортчилари 13871,6 очко билан учинчи ўринни эгаллашди. Фарғона, Бухоро, Андижон вилоятлари жамоалари ҳам дуруст натижаларга эришишди.

Енгил атлетика дастури бўйича 100, 200, 400, 800, 1500 ва 5000 метрга югуриш, 110 метр ва 400 метрга тўсиқлар устидан сакраб югуриш, спорт юриши, узунликка ва баландликка сакраш, найза улоқтириш, диск, ядро ва босқон улоқтириш бўйича чемпионлар ва совриндорлар аниқланди.

Усмирлар ўртасида 100 ва 200 метрга югуришда самарқандлик Тимур Яворский ҳурмат шоҳсўпаси тўридан жой олди. 400 ва 900 метрга югуришда фарғоналик Азиз Норматов ва Баҳром Тожибоев, 1500 метрга ва 5000 метрга югуришда ангренлик Ринат Шафигулин спартакиада чемпионлари бўлишди.

Қизлар орасида 100 метрга югуришда андижонлик Лилия Мамедова, 200 метрга югуришда тошкентлик Галина Коробко, 400 метрга югуришда самарқандлик Алена Пиокунова: 800 метрга югуришда наманганлик Екатерина Кремлева, 1500 ва 3000 метрга югуришда андижонлик Альфия Мустаевалар биринчи ўринни эгаллашди.

Енгил атлетиканинг барча турлари бўйича чемпион ва совриндорларга Халқ таълими вазирлиги, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашининг диплом ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

МЕЗБОНЛАР ҒОЛИБ

Одатдагидек, спартакиада дастурига кўра кураш мусобақалари Фарғона ва Бухоро усулида олиб борилди. Наманган шаҳрида уч кун давом этган қизғин беллашувлардан кейин фарғонача кураш ғолиблари аниқланди. Майдон эгалари — Наманган вилояти вакиллари мусобақа чемпионлари бўлишди. Фарғона вилояти жамоаси иккинчи, андижонликлар учинчи ўринни қўлга киритишди. Олтита команда иштирок этган мусобақада қолган ўринларни Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари вакиллари эгаллашди.

Навоий шаҳрида ўтказилган бухороча усулда курашган ёш полвонлар орасида майдон эгалари биринчи ўринни эгаллашди. Қашқадарёлик полвонлар иккинчи, хоразмликлар учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

БОКСЧИЛАР ЮТУҒИ

Ангрен шаҳридаги спорт мажмуида бир ҳафта давом этган бокс мусобақалари қизғин курашларга бой бўлди. 10 хил вазн тоифасидаги баҳсларда чемпион ва совриндорлар аниқланди. Мусобақаларда энг юқори натижа кўрсатган Тошкент вилояти ёш чарм қўлқоп усталари IV спартакиада чемпионлари бўлишди. Иккинчи ўрин фарғоналикларга насиб этди, жиззахликлар турнир жадвалининг учинчи поғонасидан жой олишди.

СУВДАГИ МУСОБАҚА

Пойтахтимиздаги 146-мактабнинг сузиш ҳавзасида уч кун мобайнида сузиш мусобақалари ўтказилди. Пойтахт шаҳри ва Навоий вилояти жамоалари ғолиблик учун астойдил курашишди. Пировард натижага кўра тошкентлик ўқувчилар биринчи ўринни эгаллашди. Навоий вилояти командасига иккинчи ўрин насиб этди. Тўрт команда иштирок этган мусобақада андижонликлар учинчи, Самарқанд вилояти вакиллари тўртинчи ўринни олишди.

ФЕРУЗА ВА НИКОЛАЙ БИРИНЧИ

Қарши шаҳридаги теннис кортида бўлиб ўтган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Тошкент вилоятларидан ташқари 11 та команда вакиллари қатнашди. Қизғин курашлар остида ўтган мусобақа якунига кўра пойтахт ёш теннисчилари чемпион бўлишди. Самарқандликлар учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Шахсий беллашувларда андижонлик Феруза Ғафурова чиройли ўйин кўрсатиб, спартакиада ғолиби бўлди.

Усмирлар ўртасида самарқандлик Николай Шахидзе чемпион бўлди.

Ғаффор МАННОПОВ.

Xullas...

АЁЛ КЎНГЛИН ЎКСИТМАНГ

Аёлларни одатда гулга қиёслашади. Гулдан ифорлироқ ва нозикроқ нарса йўқ бу оламда.

Днепропетровск вилоятидаги Мотилёв қишлоғилик Надежда Лебедина деган аёл 1974 йили эри иккови ўртасида чиққан жанжалдан сўнг судга мурожаат этгани йўқ, балки қаттиқ уйқуга кетди ва... роппа-роса 20 йилдан кейин — 1994 йилда уйғонди! Шифокорлар аёлни буткул соппа-соғ деб топишди. Унинг бундай узоқ муддат уйқу ҳолатида бўлишига сабаб ўша жанжал оқибатида юзага келган асабийликдир. Афсуски, бу орада Надежданинг эри жанжалсизликдан зерикибми ё қаттиқ қайғуданми, ишқилиб, ёруғ дунёни тарк этганди...

ОРЕОННИНГ ОРЗУСИ

Тбилиси шаҳрида нуфузли бир идоранинг амалдори — Ореон Балашивили катта пора ундираётган чоғда давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг уйи, тўғрироғи муҳташам саройи тинтув қилинган чоғида бошқа қимматбаҳо буюмлардан ташқари нақд 25 миллион америка доллари топилди! Ҳайратдан оғзи ланг очилиб қолган терговчилар жиноятчидан, «шунча пулни нима қиласиз», дея зўрға сўрашди. Ореон оға эса ёш болалардек ерга қараб жавоб берди: «30 миллион қилмоқчи эдим...».

ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ

Свазиленд деган ажойиб митти мамлакат ҳақида эшитган бўлсангиз керак, ҳойнаҳой? Бироқ у ерда асрдан асрга, авлоддан авлодга ўтиб келаётган бир удумни эшитмагансиз. Бу удум фақат мамлакат қиролига тегишлидир. Қирол ҳар йили битта шерни яккама-якка олишувда енгиши ва ўлдириши зарур. Шу билан у ўз кучи ва мардлигини, хуллас шоҳларга хос фазилатларини намойиш этади.

ПУЛ — ҚЎЛНИНГ КИРИ

Аммо унинг жигардан бино бўлишига ҳам шубҳа йўқ. Исроиллик Шоди Хаим битта тик турган танга устида 847 та тангадан иборат «Эҳром» барпо этишга муваффақ бўлди ва гаровга қўйилган мўмайгина мукофотга эгалик қилди. Бироқ Шоди шўрлик бундай натижага эришгунча жигари нечоқлик хун бўлгани ҳеч кимга сир эмас, албат-

ana shunaqa gaplar

Газетамизнинг 3 май сонида берилган «Жўтрофия» тоқиқлик машқининг жавоблари

1. Жазоир. 2. Мадина. 3. Кашмир. 4. Масофа. 5. Каспий. 6. Таймир. 7. Қарноб. 8. Жайпур. 9. Арарат. 10. Бруней. 11. Канада. 12. Загреб. 13. Қурама. 14. Қувайт. 15. Гавана. 16. Парана. 17. Мальта. 18. Багама. 19. Богота. 20. Польша. 21. Анкара. 22. Ангола. 23. Панама. 24. Малага. 25. Мехико. 26. Невада. 27. Майами. 28. Манила. 29. Колмб. 30. Монако. 31. Сайрам. 32. Батуми. 33. Манама. 34. Магриб. 35. Қоҳира. 36. Хоразм.

Sport maydonchasi

УСТУННИ СИНДИРГАН ДАРВОЗАБОН

Футбол учрашувларида қизиқ воқеалар содир бўлиб туриши ҳеч кимга сир эмас. XIX аср охирларида Англия терма жамоасининг моҳир дарвозабони 165 кг вазнли «бақалоқ» лақабли Билл Хоулк тўпни қайтараман деб бехосдан дарвозаси устунини синдириб юборган.

205 МИНГ ТОМОШАБИН

1950 йил 16 июнда Рис-де Жанейродаги дунёга машҳур «Марокана» стадионида Бразилия — Уругвай жамоалари учрашган. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу қизиқарли ўйинни футбол тарихидаги энг кўп—205 минг киши берилиб томоша қилган.

ШАХМАТЧИ ҚИЗ — САРВИНОЗ

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Қори-Ниёзий номидаги ўрта мактаб ўқувчиси Сарвиноз Эргашева ўз тенгқурлари ўртасида шахмат бўйича мамлакат чемпиони бўлди. Энди у октябрь ойида Францияда бўлиб ўтадиган халқаро мусобақаларда қатнашиб, мустақил юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Биз ҳам Сарвинозга фақат омад тилаб қоламиз.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛТИНЧИ ГРОССМЕЙСТЕР

Ўзбекистонда иқтидорли гроссмейстерлар кўпчиликни ташкил этади. Ана шулардан бири Сайдали Йўлдошевдир. У ўтган йили Ереванда ўтказилган жаҳон олимпиадасида гроссмейстерлик талабини бажарган эди. Яқинда спорт устасининг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Унга халқаро шахмат федерациясининг гроссмейстери деган унвон ҳужжати ва нишони тантанали равишда топширилди.

БЕЛЬГИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН КУМУШЛАР

Бельгияда байдарко ва каноэ бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқичи мусобақаси ўтказилди. Беллашувда ёш спортчиларимиз шахсий кўрсаткичлар бўйича юқори натижа кўрсатиб, 12 та кумуш медални қўлга киритдилар. Бу ютуққа терма жамоанинг барча аъзолари муносиб ҳисса қўшишди.

МЕТАЛЛ — БОЙЛИГИМИЗ

Тошкент вилояти педагогика билим юрти жамоаси 35 тонна ўрнига 35,5 тонна қора ва 150 кг ўрнига 154 кг рангли металл парчаларини давлатга йиғиб топшириб, 1997 йил режасини ортиғи билан бажаришди.

ҚУТЛОВ

Қадрли ҳамкасбимиз Клара ҲАКИМОВА!

Сизнинг энг қувончли кунларингиздан бири — туғилган кунингизда шодлигингизга шерик бўлиб турганлигимиздан беҳад хурсандмиз. Шу боис энг эзгу тилакларимиз, соғлик-саломатлик, хуш кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Каттақўрғон педагогика билим юрти жамоаси.

Ҳурматли Абдужалил Ҳонимқулов!

Сизни 50 ёшлик таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

Пойариқ туманидаги 3-ўрта мактаб жамоаси.

Afsus

АВТОБУСДАГИ ОҒРИҚ

Автобус секин йўлга чиқди. Олдинда ўтирган тўртбеш аёл дуога қўл очдилар. «Эсон-омон манзилга етиб борайлик». Уларга қараб туриб мени ширин бир хаёл чулғаб олди. Манзил...

Ота-она, меҳр-муҳаббатга тўла хонадон, қариндош-уруғлар дийдори... Эрта билан уйда бўлишни эслаб юрагим орзиқиб кетди. Меҳрибон онам, сирдош дўгоналарим қучоғида бўлиш мен учун бир бахт эди.

... Автобус ойналаридан лип-лип ўтаётган дов-дарахтлар, ишдан қайтаётган қизлар тўдаси, пештоқига чиройли ҳарфлар битилган, нақшинкор гуллар билан безатилган дўконлар, бинолар ҳамма-ҳаммаси кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Йўл четига столларни чиқариб қўйиб унга турли хил озиқ-овқат моллларини териб қўйишган аёллар, ёш болалар онда-сонда кўриниб қолади.

Бирдан қулгу овозидан хаёлим бўлинди. Шундоқкина орқамда ўтирган уч эркак автобусни бошга кўтаргудек бўлиб қаҳ-қаҳ отиб юборишди. Улар пиёлаларга ароқ қуйишар, уришгириб ичишар, бир-бирларига масхараомуз пичинглар отиб ва қулоқни қоматга келтиргудек бўлиб кулишар эди. Олдинига ҳеч ким уларга эътибор бермади. Аммо қаҳ-қаҳа авжига чиқавергач, йўловчиларнинг ҳам безовталиги орта борди. Беихтиёр уларнинг сўзларига қулоқ солдим. Улар бир-бирига сўз беришмас, маданият, замонавийлик ҳақида тинмай «лекция ўқишарди»:

— Бизнинг одамларимизга маданият деган нарса андек етишмайди, — дейди қорачадан келган новчароқ киши шерикларига. — Масалан, Германия маданиятини маданият деса бўлади. Уларнинг машиналари кўчаларда бемалол туради, магазинлари очиқ-сочиқ. Ўғрилик деган иллат уларга бегона.

Уларнинг бу гапларини тинглар эканман, бир нарсани ўйлаб қолдим. Хўш, автобус ичида ароқ ичиб, оғизларидан бадбўй ҳид таратиб кетаётган бу кишиларимизнинг ўзлари қилаётган ишларида қанақа маданият бор экан ёки йўловчиларнинг тинчини бузиши қайси маданиятга тўғри келар экан.

Хаёл хаёлга, фикр фикрга уланиб, бир воқеа эсимга тушиб қолди. Қадимда халқимизда бир одат бўлган, куча-кўйда ароқ ичиб тентираб юрган кишиларни ўз маҳалладошлари ушлаб олишар, уларга мос жазо беришар, агар бу ҳам кор қилмаса ўз маҳаллаларидан ҳайдаб юборишар экан.

...«Маданиятли»ларга қарадим. Улар энди арақни охиригача ичиб бўлишган ва кайф таъсирида бир-бирларига нималарнидир тушунтиришар эди.

— Аваз ака, уй олган экансиз, қачон ювасиз? Яримта қўйсангиз, ўтамиз уйингизга, — деди ҳалиги новчароқ киши сочига оқ оралаган шеригига.

— Гап йўқ ука. Утаверинглар, янгангиз билан биз хизматда.

Яна ичкилик... Наҳот янги уй олишганига ичиш... Сочига оқ оралаган бу кишининг гапини эшитиб туриб унинг хотини кўз олдимда намоён бўлди. Бечора аёл ранги заиф бир ҳолда меҳмонларга дастурхон тузайди. Нима ҳам қилсин меҳмон отангдан улуғ, деганлар. Аммо бу меҳмонлар...

Автобус ғизиллайди... Беихтиёр орқага қарайман. Уч йўловчи ғафлат уйқусида аллақачон қотиб ётган бўлади...

Автобус ғизиллайди... Куксимга оғриқли саволлар ёмғир бўлиб ёғади. Автобус эса ғизиллайверади... Гўёки умрга ўхшаб...

Насиба ЯХШИЕВА,
талаба.



«ФУТБОЛ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарийлар! Машқ жавобларини шаклда «занжир» ҳолида ёзинг.

1. Футбол бўйича жаҳоннинг уч бор чемпиони бўлган мамлакат.
2. XVI жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун саралаш ўйинларидаги Узбекистон терма командаси рақибларидан бири. 3.Мамлакатимиздаги энг кучли командалардан бири. 4. 1996 йилнинг энг тажрибали ҳаками. 5. «Қитъалараро кубок» мусобақасининг илк совриндори «Насьонал» командасидан «Тойота» автомобилига сазовор бўлган футболчи. 6. Ютуқ ҳисоби. 7. Халқаро спорт мусобақалари. 8. Халқаро футбол уюшмаси (ФИФА) президенти. 9. Узбекистон футбол чемпионатининг 1996 йилги энг яхши мураббийси. 10. Халқаро Тошкент турнири иштирокчиси бўлган Голландия командаси. 11. Биринчи лига командаларидан бири. 12. Олий лигамиз аъзоларидан бири. 13. Футбол марши мусиқаси муаалифи, бастакор. 14. XV жаҳон чемпионати тўпурарларидан бири, бразилиялик футболчи. 15. «Насаф» командаси футболчиси, терма жамоа номзоди. 16.1962 йилда бўлиб ўтган VII жаҳон чемпионати тўпурарларидан бири. 17. «Олтин бутси» совринини таъсис этган машҳур фирма. 18. Таниқли футболчи Пеле ўйнаган команда. 19. Машҳур Шотландия командаларидан бири. 20. Футбол соврини. 21. Англиянинг «Эвертон» командасида иштирок этиб «Иккинчи Контана» номини олган россиялик футбол юлдузи. 22. Машҳур Москва командаларидан бири. 23. Сардор бошчилигидаги футболчилар гуруҳи. 24. Футбол ўйини ватани. 25. Мамлакатимиз олий лигасида мунтазам иштирок этаётган командалардан бири. 26. Таниқли Испания командаси. 27.Тенг натижа билан тугалланган ўйин. 28. Голландиялик таниқли футболчи. 29. Футбол анжоми. 30. XV Жаҳон футбол чемпионатининг энг моҳир дарвозабони. 31. Дунёдаги энг катта футбол ўйингоҳи. 32.Олий лигамиз командаси. 33.Кубок учун ўтказиладиган ҳал қилувчи ўйин.

Ф. ОРИПОВ тузган.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.
Навбатчилар: Алишер НАЗАРОВ, Олимжон ҲАЙИТ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0300. Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6